

**БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРДА ПЕДАГОГИК
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ
ФОРМИРОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ У
БУДУЩИХ ОФИЦЕРОВ**
**FORMATION OF PEDAGOGICAL COMPETENCE IN FUTURE
OFFICERS**

Бухоро давлат педагогика институти ҳарбий таълим факультети доценти
Холиков Ихтиёр Розикович

Доцент военного факультета Бухарского педагогического института
Холиков Ихтиёр Розикович

Associate Professor of the Military Faculty of the Pedagogical Institute of the
Bukhara State University
Kholikov Ikhtiyor Rozikovich
[https://orcid.org/ 0000-0002-5772-9367](https://orcid.org/0000-0002-5772-9367)
telefon +998915473821

Аннотация: Мазкур мақолада ҳарбий таълим факультети битиравчилари, бўлажак офицерларда педагогик компетенцияларни шаклланиш жараёнлари ва у билан боғлиқ аспектларга эътибор қаратилади. Бундан ташқари, мақолада бўлажак офицерларнинг ҳарбий хизмат жараёнлари билан бевосита боғлиқ ҳолатлар батафсил баён этилган.

Аннотация: В данной статье, основное внимание уделяется процессам формирования педагогических компетенций у выпускников факультетов военного образования, будущих офицеров и связанным с ними аспектам. Кроме того, в статье подробно описаны обстоятельства, непосредственно связанные с процессами военной службы будущих офицеров.

Annotation: This article discusses the concept of military pedagogical competence and the process of formation of pedagogical competence among students of military faculties of pedagogical universities. In addition, conclusions are drawn about pedagogical competencies that are important for future military personnel.

Калит сўзлар: Компетенция, педагогик компетенция, жараён, педагогик маҳорат, тизим, муассаса.

Ключевые слова: Competence, pedagogical competence, process, pedagogical skills, system, institution.

Ҳар бир мустақил давлатнинг ўзига хос, йиллар, асрлар давомида шаклланиб замон талабларига жавоб берадиган армияси мавжуд. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртимиз сарҳадларини ташки тажовуздан ҳимоя қилишга мўлжалланган миллий армиямиз, қисқа муддат ичida барпо этилди. Мустақиллик билан ҳамоҳанг равишда миллий армиямиз шаклланди, ҳамда бир неча босқич ислоҳатлар жараёнини ўтказди. Фаровон турмуш тарзи, миллат

равнақи, халқнинг осойишталиги унинг мудофаа салоҳияти билан бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, шу жумладан мамлакат мудофаа құдрати билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлар Олий Баш Қўмондони Ш.Мирзиёв, Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригига хусусан шундай дейди: “**Мудофаа қобилиятынин мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш – бундан кейин ҳам устувор вазифаларимиз бўлиб қолади**”.¹

Кисқа вақт ичида, Қуролли Кучларимиз тизимида кенг кўламли ишлар амалга оширилди:

- ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича энг муҳим ва устувор йўналишлар белгилаб олинди;
- янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди;
- ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди;
- қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди;
- армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилди;
- Қуролли Кучлар академияси замонавий кўринишда янгидан барпо этилди.

Миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган, эл-юрт таянчи ва суюнчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимига давлат миқёсида эътибор берилиши, армиямиз сафларини юқори салоҳияттага эга кадрлар билан таъминлашни кафотлайди.

Ҳарбий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, Қуролли Кучларни таркибини ўз касбини севадиган, профессионаллик даражасига эга, ватанпарварлик руҳида тарбия топган, ҳар

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Qurollli Kuchlar Oliy Bosh qo'mondoni Sh.M.Mirziyoyevning 14-yanvar Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan tabrigi 2 bet;

қандай вазиятда Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр ватан ҳимоячисини тайёрлаш назарда тутилади.

Юртимизда ҳарбий кадрларни тайёрлашга мўлжалланган бир неча олий ҳарбий билим юртлари қаторида, педагогика олий таълим муассасаларида ҳам миллий армиямиз учун зарур бўлган резервдаги ҳарбий кадрларни тайёрлашга мўлжалланган факультетлар ҳам Қуролли Кучларимиз учун резервдаги лейтенантларни тайёрлаб келишмоқда.²

Ҳарбий хизматчиларнинг хизмат фаолиятлари дикқат-эътибор талаб қилинадиган, командирлик ва лидерлик қобилият талаб қилинадиган, хавфхатар билан боғлиқ жараёнларни қамраб олишини ҳисобга оладиган бўлсак, бўлажак офицерлар қандай билим, малака ва савияларга эга бўлишлари керак деган савол туғилиши табиий ҳол ҳисобланади.³ Билим олиш жараёни бўлажак офицерларда педагогик маҳоратларини ҳам шакллантириб, ошириб бориш имконини беради. Олий таълим муассасаси битирувчиси бир неча компетенцияларга эга бўлади, бироқ ҳарбий йўналиш спецификасидан келиб чиқиб бўлажак ҳарбийларда ўзига хос ҳарбий компетенция ҳам шаклланган бўлиши даркор. Хўш бу қандай компетенциялар? Ва улар қандай шаклланади?. Бу каби саволлар бўйича бир қатор тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Компетентлик индивиднинг хусусияти сифатида турли кўринишларга эга бўлади: ишчанлик даражаси, шахс сифатида ўзини намоён эта билиши, бошқарувчанлик, лидерлик компетенция ва бошқалар.

Компетентлик - бу билим, малака ва кўникмаларнинг мавжудлиги, мутахассиснинг жамиятда, колективда ўз ўрнини топа билиши, қобилиятлари орқали ўзининг юқори мотивацияга эга эканлигини намоён эта олиши, мутахассис сифатида талабгор эканлигини намоён этиши ҳамда тўлақонли ўз потенциалини амалда қўллай олиши билан ҳам ажralиб туради. Компетентлик, табиатан билим олиш натижасида юзага келсада, тўғридан-тўғри билим маҳсули эмас, балки инсоннинг ўзини – ўзи ривожлантириши натижасида ҳосил бўладиган маҳсулот сифатида шаклланиб боради. Шахснинг психологик омили билан эмас, унинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб шахсий ўсиши, ўзини намоён эта олиши, йиллар давомида професионал фаолиятининг маҳсули сифатида шаклланадиган жараёндир.

² Xoliqov I.R. "Rezervdag'i va zaxiradagi ofitserslarni vatanparvarlik ruxida tarbiyalashda milliy qahramonlarimizning o'rni" Rezervdag'i va zaxiradagi ofitserslarni tayyorlash tizimini rivojlantirishda innovatsion yondashuv mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Farg'onha 2021 y. 183-185 b

³ Зотов Александр Александрович, Бунин Сергей Викторович, Беловолова Светлана Павловна. Понятие военно-педагогической компетентности и особенности её формирования у будущих офицеров. Стр 128-135.

Юқорида қайд этилган омилларга таяниб айтиш мүмкінки, компетентлик қараашлар, бириңчи навбатда турли ҳолатларда шахснинг мавжуд түсік ҳамда ҳарбийлардаги профессионал фаолият билан боғлиқ муаммоли вазиятлардан тұғри йўл топа олиш имкониятларини илгари суради. Ҳарбий соҳада фаолият олиб борар экан, бўлажак офицерлар қўл остидаги шахсий таркиб билан ўқув ҳамда жанговар вазифаларни бажаришларига тўғри келади.⁴ Бундан ташқари жамиятдан шаклланган ва йиллар давомида ўзгармас хусусиятга эга стереотиплар мавжудки, стереотиплар талабларига жавоб бериш учун эса бўлажак офицерларда бир қанча ўзига хос шахсий хислат ҳамда қобилияtlар бўлиши талаб қилинади.

Хизмат вазифаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб ҳамда бўлажак офицерларнинг жамиятдаги ўрни ва роли бўйича қўйидаги ҳарбий – компетенцияга эга бўлишлари керак:

- турли вазиятларда ҳамда қисқа муддатларда тўғри қарор қабул қила олиш компетенциси;
- бошқарувчанлик компетенцияси;
- тарбиячилик компетенция;
- педагогик компетенция;
- профессионал йўналишдаги касбий компетентлик;
- маданиятлийлиги;
- стрессга бардошлилик;
- нутқ маданиятининг мавжудлиги;
- жамоани жипслаштира олиш ва бошқалаг.⁵

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бўлажак офицерларни тайёрлаш маълум бир муҳит ва шароитда олиб борилади, бўлажак офицерларда шаклланиб борадиган педагогик компетенциялар билан биргаликда ҳарбий компетенциянинг шаклланиб бориши, жанговар вазифаларни бажариш жараёнида ва турли ностандарт ҳолатларда бевосита намоён бўлади.

ХУЛОСА: Бўлажак ватан ҳимоячиларини тайёрлаш каби шарафли вазифани бажаар қанмиз, шуни унутмаслигимиз керакки, битирувчи

⁴ Зотов Александр Александрович, Бунин Сергей Викторович, Беловолова Светлана Павловна. Понятие военно-педагогической компетентности и особенности её формирования у будущих офицеров. стр 132-135.

⁵ Ixtiyor Rozikovich Xolikov Formation of the Pedagogical Competence of Military Faculty Students European Journal of Innovation in Nonformal Education (EJINE) Volume 2 | Issue 4 | 18-20 p

талабаларимиз нафақат педагогик компетенцияга эга бўлишлари балки, ҳарбий компетенция шаклланган етук мутахассис сифатида ҳам шаклланишлари лозим. Зеро бўлажак ҳарбийлар зиммасига жанговар қурол-аслаҳа ва техника ҳамда шахсий таркибдан ташкил топган жамоа билан жанговар вазифаларни бажариш талаб этилади. Юқори билим, савия ҳамда кўникмаларга эга, психологик жиҳатдан мустаҳкам тобланган битирувчи ўз олдига қўйилган вазифаларни тўлақонли бажариш имконига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ш.М.Мирзиёевнинг 14 январь Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан табриги. <https://daryo.uz/k>.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 11-июлдаги ПФ-5763-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/-4545884>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2019 йил 8-октябрдаги ПФ-5847-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/-4545884>.
- 4.Xoliqov, I. (2022). Захириддин Мухаммад Бобур ватанпарвар саркарда. Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali, 2(2).
- 5.Xoliqov, I. (2022). Ҳарбий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш. Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali, 2(2).
- 6.Xoliqov, I. (2022). Резервдаги ва захирадаги офицерларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий цаҳрамонларимизнинг ўрни. Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali, 2(2).
- 7.Xoliqov, I. (2022). Oliy ta’lim muassasalari talabalari o‘rtasida pedagogik kompetensiyani shakllantirish. Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali, 2(2).
8. Холиқов, И. Р. (2022). harbiy ta’lim fakulteti talabalarida PEDAGOGIK kompetensiyaning shakllanishi: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.040> Xoliqov Ixtiyor Roziqovich, Buxoro davlat universiteti pedagogika instituti harbiy ta’lim fakulteti dotsenti <https://orcid.org/0000-0002-5772-9367>. Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал, (8), 278-283.
9. XOLIQOV, I. (2022). Bo ‘lajak o ‘qituvchining asosiy kompetentligini rivojlantirish. Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali, 2(2).

10. Rozikovich, K. I., & Ikhtiyorovich, K. R. (2023). TRAINING OF HIGHLY COMPETENT SPECIALISTS IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS. *Horizon: Journal of Humanity and Artificial Intelligence*, 2(5), 767-770.
11. Xoliqov, I. (2022). The Concept of Military Pedagogical Competence and its Formation in Military Faculty Students. Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali, 2(2).
12. Xoliqov, I. (2022). Features of creating educational and methodological materials for distance learning. Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali, 2(2).
13. I.Xoliqov. "Formation of the Pedagogical Competence of Military Faculty Students". European Journal of Innovation in Nonformal Education (EJINE) with the title. 2022 y. 18-20 p.
14. Зотов Александр Александрович, Бунин Сергей Викторович, Беловолова Светлана Павловна. Новосибирск. "Понятие военно-педагогической компетентности и особенности её формирования у будущих офицеров". Текст научной статьи по специальности «Науки об образовании» 128 – 137 стр.
15. Competence and its Types. Ikhtier Rozikovich Kholikov. Procedia of Philosophical and Pedagogical Sciences. Volume-1 | Issue-1 Available online @ <https://procedia.online/index.php/philosophy>
16. Formation of pedagogical competence of students of military DEPARTMENTS. Kholikov Ikhtiyor Rozikovich. Education and innovative research. 278-283 p.